

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХКАМОВ УЛУҒБЕК АБДУГАППОРОВИЧ**

**ДИАЛОГ - ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТУШУНТИРИШНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК ОМИЛИ**

**09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантиқ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract  
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

**Махкамов Улуғбек Абдугаппорович**

Диалог – ижтимоий жараёнларни тушунтиришнинг методологик  
омили.....3

**Махкамов Улуғбек Абдугаппорович**

Диалог – как методологический фактор объяснения социальных  
процессов.....23

**Maxkamov Ulugbek Abdugapporovich**

Dialog as a methodological factor of explaining of social  
processes.....42

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....46

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАХКАМОВ УЛУҒБЕК АБДУГАППОРОВИЧ**

**ДИАЛОГ - ИЖТИМОЙ ЖАРАЁНЛАРНИ ТУШУНТИРИШНИНГ  
МЕТОДОЛОГИК ОМИЛИ**

**09.00.01 – Онтология, гносеология ва мантиқ**

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal52 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетидида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.fs-ik.uz](http://www.fs-ik.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Шермухамедова Нигинахон Арслоновна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Давронов Зиёдулла Давронович**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Туленова Карима Жандаровна**  
фалсафа фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент давлат Шарқшунослик институти**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона. Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24, e-mail: [nauka@nuu.uz](mailto:nauka@nuu.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24.)

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**И.Р.Хўжамуродов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, фалсафа  
фанлари доктори, профессор

**Ж.С.Раматов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби в.б,  
фалсафа фанлари доктори,  
профессор

**Ж.С.Раматов**

Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги  
Илмий семинар раиси, фалсафа  
фанлари доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** XXI асрда дунё инновацион ғоялар таъсирида, бир томондан иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда барқарор тараққиёт йўлидан бормоқда, иккинчи томондан экстремизм ва фундаментализм, ядровий уруш хавфи, экологик танглик авж олмақда. Шу боис, жаҳонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш учун халқаро кучларни бирлаштириш, юқори даражадаги билим ва интеллектуал салоҳиятни намоён этиш, табиат ва инсонни асраш, шахслар, миллатлар, давлатлар, динлараро консенсусга эришиш учун диалогдан фойдаланиш зарурлигини даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг олиб бораётган изчил ташқи ва ички сиёсати мамлакатнинг дунёдаги эътирофи, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган очик диалог бўлса, Сурия мамлакатининг Ироқ ва Шом Ислом давлати террористик қуролли ташкилоти жангариларидан озод этиш учун тинчликпарвар мамлакат раҳбарларининг 2017 йилда биргаликда Ар Рияд шаҳридаги биринчи ўзаро соғлом мулоқоти диалогистиканинг ёрқин ифодасидир.

Сўнги йилларда жаҳон илмий тадқиқот марказлари ҳамда институтларида диалог, диалогистика ва диалогизация воситасида консенсусга эришишнинг динлар, миллатлар, давлатлараро тинчлик ва барқарорликни таъминлашдаги аҳамиятини очиб беришга йўналган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Хусусан, 1945 йилда ташкил этилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти дунёда тинчликни сақлаш, халқ фаровонлигини таъминлашга йўналган биринчи халқаро ҳамжамият бўлиб, бу диалог заруратининг исботидир. Айнан ушбу ҳаракатларнинг ижроси 2008 йилни Европа Иттифоқида «Халқаро маданият диалогии йили» деб эълон қилинганлигида намоён бўлади. Ҳозирги кунда халқаро ташкилотлар диалогини такомиллаштиришга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ зарурат сезилмоқда.

Жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, Ўзбекистонда халқ манфаатларининг ҳимоясини «Давлат органларининг халққа хизмат қилиши» ғояси асосида ташкил этилиши фуқаролар билан мулоқотнинг ёрқин ифодасидир. Хусусан, 2017 йилдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг «виртуал қабулхонаси», вилоятлар ва туман ҳокимият идораларида «халқ қабулхоналари»нинг ташкил этилганлиги, 2017 йилнинг «Халқ билан мулоқот йили» деб эълон қилиниши бу соҳадаги дадил қадам бўлди. Дарҳақиқат, муросага асосланган диалог цивилизацияни сақлаш ва Ўзбекистонни дунёда тан олинган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллашида муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тинч-осойишта, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган Марказий Осиё – биз интиладиган энг асосий мақсад ва асосий вазифадир. Ўзбекистон ўзаро мулоқот, амалий ҳамкорлик ва яхши кўшничиликни мустаҳкамлашнинг қатъий тарафдоридир. Биз Марказий Осиё мамлакатлари

билан ҳеч истисносиз барча масалалар бўйича оқилона муроаса асосида ҳамкорлик қилишга тайёрмиз»<sup>1</sup> деган фикри, Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши, чегара худудларининг хавфсизлигини таъминлаш учун энг аввало Марказий Осиё мамлакатлари билан ҳамкорликни ташкил этиш зарурлигининг эътирофидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармони, 2017 йил 29 мартдаги «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир кўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ЎРҚ-421-сон, 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги «Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида» ЎРҚ-445-сон Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга мурожаатномаси<sup>2</sup> ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг 1.«Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий ва маданий тамойиллари инновацион иқтисодиётни шакллантириш»нинг устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Шахслараро ва давлатлараро муносабатларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг асарларида<sup>3</sup> изчил асосланган. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг Президенти таъкидлаганидек «Ўзбекистон Республикаси халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашнинг ўзига хос демократик институти сифатида амалда ўзини оқламоқда»<sup>4</sup>, шу нуқтаи-назардан диалог ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг муҳим таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда.

Диалогнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни ташкил этиш, ҳақиқатни англашнинг воситаси сифатидаги моҳиятини тушуниш Хитой ёзма манбаси «Ўзгаришлар китоби»да<sup>5</sup>, Ҳиндистоннинг қадимий ёзма манбаси Ригведлар, Марказий Осиёнинг Авесто каби энг қадимги манбаларида ўз ифодасини топган. Хусусан, «Авесто» китобидаги «Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал»

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябр куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. <http://uza.uz>.

<sup>2</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

<sup>3</sup> Каримов И.А. Асарлари тўплами, 1-24 жилдлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1994-2015 йиллар.

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси//22.12.2017. <http://uza.uz>.

<sup>5</sup> Щучкий Ю.К. Китайская классическая Книга перемен. Москва.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература». – 629 с. ISBN: 5-02-017385-1

ғояси<sup>1</sup> шахслараро диалогни ташкил этишда фикр, сўз ва амал мутаносиблигини таъминлашнинг зарурлигига ишорадир. Шунингдек, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари Сократ, Платон, Аристотель, А.Августин, ал-Форобий, ал-Беруний, Ибн Сино, Хусайн Воиз Кошифий, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий,<sup>2</sup> ва бошқалар диалогнинг ижтимоий ҳаётдаги ролига оид қимматли ғояларни илгари сурганлар. Ал-Форобийнинг «Инсонлар ўз эҳтиёжларини қондириш ва камол топиш учун жамоага ва жамиятга бирлашувлари зарур бўлади»<sup>3</sup> деган фикри инсоннинг нафақат инсонга интилиши, балки бу интилишда фикрлари, ғояларини бошқаларга айтиш, қабул қилиниш истаги намоён бўлади. Ж.Румийнинг «Сўз амал дарахтининг мевасидир. Чунки у амалда туғилади. Улуғ Тангри оламни сўз билан яратади»<sup>4</sup> ғоясида сўзнинг диалогдаги аҳамияти очиқ берилган. А.Фитратнинг «...ишларингизни машварат қилиб бажарсангиз, ул вақт сиз учун ер остидан кўра ер усти яхшироқ бўлади, яъни яшаш, ҳаёт кечириш ҳаққига молик бўласизлар»<sup>5</sup> деган фикрида айнан диалог билан муросага келиш имконияти асосланган.

Диалог диалектик тафаккур услубининг асоси эканлиги В.С.Библер, М.Бубер, М.Бахтин, Н.О.Лосский, К.Поппер, С.Франк ҳамда О.Е.Шульц<sup>6</sup> каби олимларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. С.Франк фикрича «мен» ва «сен» муносабатларида «ҳар қандай билиш олдидан баъзи бир ўзаро ҳаракат ёки муомала фаолиятининг алмашиши юзага келади»<sup>7</sup>. Бу фикрда «Мен» ва «Сен» орасида бўладиган диалогнинг мураккаблигини тушунтиришга ҳаракат, уларнинг давомийлиги ва динамикасини сақлашга уриниш намоён бўлади. М.Бахтин эса, диалогнинг тизимлилик жиҳатини шакллантириб катта, ўрта ва кичик диалог шакллари таҳлил қилган<sup>8</sup>. Бунда диалогнинг давомийлиги вазиятнинг мураккаблиги даражаси билан боғлиқлиги намоён бўлади.

Диалогнинг онтологик, гносеологик, эпистемологик ва ижтимоий-маданий хоссалари, ижтимоий муносабатларни тушуниш ва тушунтириш омили сифатидаги аҳамияти В.И.Аршинов, Л.Баткин, Е.Н.Попов, Т.С.Шикина, К. Абд ал-Латиф каби олимлар ижодида кенг қамровли тадқиқ этилган.<sup>9</sup> Жумладан, Е.Н.Попов фикрича, «Ҳозирги кунга келиб дунёда, диалог - инсон фаолиятининг турли соҳаларидаги тобора оммалашиб бораётган алоқа шаклига айланиб бормоқда ҳамда унинг онтологик

<sup>1</sup> Авесто. Махкамов А. таржимаси. -Тошкент: Шарқ, 2001.-180 б.

<sup>2</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

<sup>3</sup> Абу Наср ал- Форобий. Одамларнинг бирлашувга ва ўзаро ёрдамга эҳтиёжи борлиги ҳақида сўз//Фозил одамлар шаҳри.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. - 238 Б.

<sup>4</sup> Румий Ж. Ичиндаги ичиндадир.-Тошкент: Янги аср авлоди, 2013. - 91 б.

<sup>5</sup> Фитрат А. Карам// Танланган асарлар.-Тошкент: Маънавият, 2010. -135 б.

<sup>6</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

<sup>7</sup> Франк С.А. Сочинения. Серия: Классическая философская мысль. - Минск: Харвест, 2000. -352 с.

<sup>8</sup> Бахтин М. М. Собрание сочинений. Т.6. «Проблемы поэтики Достоевского», 1963. Работы 1960-х – 1970-х гг. - Москва: Изд-во «Русские словари», «Языки славянской культуры», 2002. -302-303 с.

<sup>9</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

жихатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади».<sup>1</sup> Зеро, жамият билан диалог умумбашариятнинг ягона организм сифатида асраш вазифасини бажаради. Бунда диалог ижтимоий-табиий ва сайёралараро - космик даражаларда пайдо бўладиган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам бериши мумкин.

Ўзбекистоннинг О.Файзуллаев, Қ.Ҳ.Ҳоназаров, Ё.Исҳоқов, Б.Тўраев, Б.Каримов, М.Ш.Шарипов, Д.И.Файзиходжаева, Н.А.Шермухамедова каби файласуф олимлари диалогнинг фалсафий жихатлари тадқиқига эътибор қаратган<sup>2</sup>. Хусусан, диалог Б.Тўраевнинг илмий изланишларининг алоҳида предмети бўлмаса-да, унинг асарларида мулоқот ва суҳбат олиб бориш тўғрисидаги ғоялар кузатилди.<sup>3</sup> Н.Шермухамедованинг фикрича «Субъектларнинг бир-бирини ўзаро тушуниши айнан диалогда амалга ошади»<sup>4</sup>. Демак, Демак, ҳар қандай вазиятда икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг биргаликдаги суҳбати ижтимоий муносабатларни ташкил этишнинг асосий воситасидир.

Турли даврларда ижод этган олимларнинг диалогга оид қарашларининг таҳлили натижасида, ҳозирги кунгача унинг амал қилиш даражалари етарли ўрганилмаганлиги, диалогнинг классификацияси йўқлиги аниқланди. Шу боис, ушбу диссертацияда унинг тарихий илдизларини янги концептуал ёндашув нуқтаи-назаридан тадқиқ этишга ва ҳозирги даврдаги аҳамиятини очиқ беришга ҳаракат қилинди.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Фалсафа ва фан методологияси» мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** шахслараро, давлатлараро муносабатларнинг шаклланишида, инсоннинг ўз борлигини тушуниши ва ижтимоий воқеаларни тушунтиришда диалогнинг аҳамиятини илмий-фалсафий жихатдан очиқ беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фикр ва сўз эркинлиги меъёрига амал қилиш аҳамиятининг шахслараро диалогни давом эттириш мезони эканлигини очиқ бериш;

жаҳондаги ахборот тарқатиш алоқа тармоқларида диалогни ташкил этиш учун сиёсий ҳушёрлик, билим ва малакаларни қўллаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш;

ижтимоий жараёнларни тушуниш ва тушунтиришда диалогнинг намоён бўлиш турларини (эркин, тенг ҳуқуқлилиқ, тенгсизлик, мажбурий ҳамда тобелик шароитида) аниқлаш ва асослаб бериш;

---

<sup>1</sup> Попов Е.Н. Онтологические аспекты диалога и диалогических отношений в современном мире 09.00.01/ Попов Е.Н. (Место защиты: Северо-Восточный федеральный университет имени М.К.Аммосова).-Якутск, 2012. -23

<sup>2</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

<sup>3</sup> Тўраев Б.О. Ижтимоий фалсафа, социология, миллий ғоя ва публицистика. Танланган асарлар 2 жилд. Тошкент. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. -360 б.

<sup>4</sup> Шермухамедова Н.А. Тушуниш ва тушунтириш// Илмий тадқиқот методологияси.-Тошкент: Фан ва технология, 2014.-439 б.

давлатлараро сиёсий диалогни такомиллаштириш Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва диаспоралар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни шакллантириш воситаси эканлигини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** - жамиятдаги шахслараро муносабатлар жараёни

**Тадқиқот предмети** - ижтимоий муносабатларда намоён бўладиган диалогнинг шакллари ва унинг аҳамияти

**Тадқиқотнинг усуллари:** ўзаро алоқадорлик, объективлик, тарихийлик тамойиллари, қиёсий таҳлил ва синтез, гипотетик-дедуктив, тизимли ёндашув каби методлар қўлланган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:** фикр ва сўз эркинлиги меъёрига амал қилиш шахслараро диалогни давом эттириш мезони эканлиги очиб берилган; жаҳон ахборот маконида диалогни ташкил этиш учун сиёсий ҳушёрлик, билим ва малакалардан фойдаланишнинг зарурати асосланган;

ижтимоий жараёнларни тушуниш ва тушунтиришда диалогнинг намоён бўлиш турлари (эркин, тенг ҳуқуқлик, тенгсизлик, мажбурий ҳамда тобелик шароитида) аниқланган;

давлатлараро сиёсий диалогни такомиллаштириш Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва диаспоралар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни амалга ошириш омилларидан бири эканлиги илмий асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

шахслар, миллатлар ва давлатлараро муносабатлар жараёнидаги диалогни ташкил этиш учун билим ва муомала маданиятини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

манتيқий фикр теранлигини шакллантиришда, шахснинг интеллектуал камолоти ва ижтимоийлашувида ўз-ўзи билан диалогдан фойдаланишнинг янги усул ва воситалари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференцияларда муҳокама қилинганлиги, хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** сиёсий институтлараро муносабатларни ташкил этишда, диалогнинг ўрнига оид илмий тадқиқот ишларида, давлат ва нодавлат ташкилотларида шахслараро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда ўзаро манфаатли диалогнинг аҳамияти билан боғлиқ маърузаларда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Тадқиқотда илгари сурилган назарий - фалсафий ғоялар, тавсиялар диалогга шахслараро муносабатни ташкил этишнинг муҳим воситаси сифатида янгича ёндашувни шакллантиради, илмий тафаккурни бойитади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шахснинг ўз-ўзини тушуниши, ўзининг ташқи олам билан муносабатларини тартибга солиши, фан ва ишлаб чиқариш интеграцияси ютуқларини амалиётга жорий этишда намоён бўлади.

### **Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.**

Ижтимоий жараёнларни тушуниш ва тушунтиришнинг методологик омили сифатида диалогни ташкил этиш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

диалог жараёнида фикр ва сўз эркинлигининг меъёрига амал қилишда билим ва маънавий салоҳиятни шакллантиришга оид методологик хулоса ҳамда амалий тавсиялардан «Фалсафа тарихи (Ўрта аср Ғарб фалсафаси)» номли ўқув қўлланмадаги мавзуларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 19 майдаги 89-03-2013-сон маълумотномаси). Натижада ўқув қўлланманинг мазмунини такомиллаштиришга ва ўқиш сифатини оширишга хизмат қилган;

жаҳондаги ахборот тарқатиш алоқа тармоқларида диалогни ташкил этиш учун сиёсий хушёрлик, билим ва малакаларни қўллаш бўйича фикр-мулоҳазалар, таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланган А-1-69 рақамли «Фалсафа (Қўллаш соҳаси) мутахассислиги магистрантларининг профессионал компетенциясини юксалтиришнинг ўқув-методик базасини такомиллаштириш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида чоп этилган «Герменевтика» номли ўқув қўлланмасида ўз ифодасини топган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 мартдаги 89.03.936-сон маълумотномаси). Тадқиқотнинг натижалари ўқув қўлланманинг «Рамзий шаклларни тушунишда герменевтик анъаналарнинг аҳамияти» ва «Ижтимоий ҳодисаларни тушунишда герменевтик ёндашувнинг ўрни» каби параграфларида диалогнинг роли, ижтимоий-тарихий жараёнларни англаш, ижтимоий ҳодисаларни тушуниш воситаси эканлиги ҳақидаги таҳлилий маълумотларда ўз ифодасини топган;

ижтимоий жараёнда диалог шахснинг интеллектуал камолоти ва танқидий тафаккурини шакллантириш омили сифатида тушуниш ва тушунтириш, муроСага келиш воситаси эканлигига оид таклиф ва тавсиялардан Республика маънавият ва маърифат маркази ва унинг ҳудудий бўлим ҳамда туман (шаҳар) бўлинмалари ходимларининг 2017 йилга мўлжалланган режаси доирасидаги вазифаларини ишлаб чиқиш ва жорий қилиш учун ташкил этилган «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» мавзуси доирасида республика маънавият тарғиботчилари фаолиятида фойдаланилган (Республика маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 15 майдаги 02/07-624-18-сон маълумотномаси). Натижаларнинг амалиётга жорий этилиши мамлакатимизда шахслар, гуруҳлар, миллатлар, давлатлар ва динлараро консенсусни ривожлантиришга хизмат қилган;

давлатлараро сиёсий диалогни такомиллаштириш Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар ва диаспоралар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик усули эканлигига асосланган таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги «Республика ёш олимлар Кенгаши» ташкилоти томонидан ташкил этилган тадбирларда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқи муассислигидаги «Республика ёш олимлар Кенгаши»

ташкilotининг 2018 йил 7 апрелдаги 04.14/2-сон маълумотномаси). Натижа Ўзбекистон ёшлар иттифоқи қошидаги «Республика ёш олимлар Кенгаши» ташкilotининг «Йўл харитаси» режасининг ёш олимлар ва талабаларни илмий тадқиқот ишларига жалб қилиш ҳамда тарғибот материалларини ишлаб чиқиш фаолиятида намоён бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 33 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда эса 10 та мақола (8 та республика ва 2 та хорижий журналлари) нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, уч боб, хулоса, «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»дан иборат. Диссертациянинг ҳажми 159 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар ва диссертация ҳажми бўйича маълумотлар асосланган.

Диссертациянинг «**Диалог – фалсафий тадқиқот объекти сифатида**» деб номланган биринчи бобида «диалог», «диалогистика», «диалогизация» ва «диалогизм» тушунчаларининг моҳияти, уларнинг тарихий ўзгарувчан характери очиқ берилган.

Диалог нима, - деган саволга жавоб бериш учун муаллиф турли давр файласуфларининг ушбу масалага оид фикрларини таҳлил этиш<sup>1</sup> асосида тушунчанинг мазмунини, барча даврларда диалог шахслараро муносабатларни ташкил этиш воситаси сифатида амал қилганлигини асослаган. Хусусан, “Фалсафа” қомусий луғатида ёзилишича, диалог (*юнонча dialogos – суҳбат, сўзлашув*) музокара иштирокчилари ўртасидаги ғоялар оқимининг эркин сузиб юрувчи «қирғоғи» маъносини англатади<sup>2</sup>. Одамларни фикрлашга, мулоқотга ўргатиш мақсадида Сократ диалогни муомалага олиб кирган. О.Е. Шульц «диалог – ҳақиқатнинг асл моҳиятини англаш учун икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг суҳбати ёки улар ўртасидаги оғзаки

<sup>1</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

<sup>2</sup>Диалог. // Фалсафа: қомусий луғат. Тошкент.: Шарқ НМАКБТ, 2004. 202.Антроп тамойили // Фалсафа: қисқача изоҳли луғат. –Тошкент: Шарқ НМАКБТ, 2004. –Б.428.

мулоқотнинг ёзма тарзда шаклланишидир»<sup>1</sup> деб таъкидлаган. XX аср файласуф олими Анри Пуанкаре фикрича, фандаги ҳар қандай янги ғоя олимларнинг ўзаро конвенцияси (келишуви) диалогининг натижасидир<sup>2</sup>. Таҳлиллар натижасига кўра, диалог - ҳар қандай билимнинг, жумладан, фалсафий билимнинг бошланғич асоси. Диалогнинг бош функцияси борлиқнинг моҳияти ҳақидаги объектив билимларни яратиш ва тизимлаштиришдан иборат. Диалог кўп ҳолларда монолог тушунчасига қарши қўйилсада, фалсафий маънода шахснинг монологи ўзи билан диалог сифатида унинг ички дунёси билан фикр алмашилиш жараёнини англатади. Диалог қанчалик мазмундор бўлса, унинг иштирокчиларида бир-бирини тушуниш имконияти шунча кенгайди. Тушунтириш субъект фаолиятида намоён бўлувчи оғзаки ва ёзма матнда ифодаланган маданиятлар диалогдир.

Тадқиқотда Ғарб олимлари З.Морохоева, Э.Кочетов ва М.Швиталлнинг диалогга оид фикрлари тадқиқ этилган<sup>3</sup>. Бунинг асосида муаллиф диалог иштирокчиларининг билиш объектига доир билимлари тенглигининг таъминланиши диалогни бошлаш ва давом эттириш имконини беради, деган хулосага келади. Зеро, диалог бир-бирини тушунадиган одамларнинг билимига таянади, ўз қарашларини ҳимоя қиладиган кишиларнинг бир-бирини тушуниш воситаси тилдир. Фикрлар алмашинуви жараёнида билим намоён бўлади ва билим эгалланади. Диалог иштирокчиларининг ғоялари зиддиятли бўлсада улар муносабатларидаги руҳий ва интеллектуал барқарорликни ва бирликни сақлаб қолиш муҳим аҳамиятга эга.

Диалогнинг энг муҳим хоссаларидан бири, унда дунёвий билимлар билан бир қаторда муомала маданиятининг намоён бўлишидир. Муомала диалог жараёнида юз бериши мумкин бўлган салбий вазиятларнинг олдини олишга ёрдам беради, бунда эшитиш ва эшитилишга эришиш лозим.

Диссертацияда диалогистика, диалогизация ва диалогизм тушунчаларининг маъноси таҳлил этилган. Фанга Эрнест Кочетов олиб кирган диалогистика - томонларнинг ўзаро бир-бирини тушуниши ва тушунтириши, дунёда тинчликни таъминлаш йўлидаги ўзаро ҳамкорликка асосланган йўналишидир<sup>4</sup>. Дунёвий аҳамиятга эга бўлган диалогистика геоекономика, глобалистика ва гуманитар космология каби долзарб муаммоларнинг ечимини топишда давлатлараро миқёсида Форумлар ташкил этишни тақозо этади. Диалогистиканинг асосий иштирокчилари юқори даражадаги давлат раҳбарлари бўлиб, уларнинг ўзаро консенсусга эришиши катта қарорларни қабул қилиш ва ҳамкорликни ташкил этишга асос бўлади. Инсоният тарихида биринчи диалогистика томонларнинг ютуғи ва мағлубиятига эришилмасдан 30 йил давом этган Европа урушининг

<sup>1</sup> Шульц О. Е. Практика сократовского диалога в дианализе//Психотерапия, практическая и консультативная психология — сплетение судеб: Материалы Международного Конгресса. - Киев. -4-7 октября 2012 // Ежемесячный научно-практический журнал Психотерапия. - Москва, 2012.- № 12. - С. 99-100.

<sup>2</sup> Пуанкаре А. О науке. Пер.с французского. Под редакцией Л.С.Понтрягина. -Москва: Наука, 1983. – 353,- 354 с.

<sup>3</sup> Адабиётлар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати» қисмида келтирилган.

<sup>4</sup> Кочетов Э. Диалог. Диалогистика как наука о судьбах человека и мира в контексте глобальных перемен. Москва: Экономика, 2011.-77 с

тугатиши ҳақидаги 1648 йил Вестфаль шартномасини имзолаш билан бошланган. Ўзбекистонда интеллектуал уйғониш даврининг бошланганлиги, унинг дунё ҳамжамияти билан диалогистикасининг ифодаси деб ҳисоблаш мумкин.

Диссертацияда диалог жараёнида бошқанинг фикридан фойдаланиш, унинг маъносини сақлаган ҳолда бошқаларга ўз фикри сифатида етказишни диалогизация деб номланиши асосланган. У сўзлар ва тафаккур услубида ўз ифодасини топади. Диалогизация монологизация билан айнийдир, унда “бегона” фикр янги маъно юкланиши билан бегона бўлмайди, фақат нуқтаи назарларнинг турли-туманлиги йўқолади. Бундай ҳолатга, Х.Ортега-Гассет шубҳа билан қарайди ва Рене Декартнинг шубҳа ҳақидаги ғоясини<sup>1</sup> ривожлантиради. Шубҳа бир нечта ижобий нуқтаи назарларнинг мавжуд бўлишини тақазо қилади, уларнинг ҳар бирига ишониш мумкинлиги, уларнинг бир-бирини ишончилилига путур еткази.

Тадқиқотда нутқ орқали бир одамнинг бошқа одамни ахборот билан таъминлаши диалогизм эканлигини асосланган. Бу сўроқ ўтказилаётган шахсдан баъзи ахборотларни олиш имкониятида, ҳиссиз нутқ омилларида сўроқ шаклида намоён бўлади. У тасдиқ ёки инкор этиш ва бошқа шаклда фикр билдириш, иккиланиш ва савол ҳолатида ҳам учрайди.

Диалог, диалогистика, диалогизация ва диалогизм тушунчаларининг таҳлили асосида диалог субъектларнинг маъно жихатидан ўзаро фаол ҳамкорлиги деган хулосага келинди. Маъно бошқа бир маъно билан учрашганда янада фаоллашади, маъно фақат муносабат сифатида мавжуд бўлади. «Ўз» маъносининг пайдо бўлиши учун «бошқа» маъно (сўз, онг, далил) билан аниқ диалог бўлмоғи зарур, у биринчи навбатда «бошқани» тенг сифатида қабул қилиши лозим.

Диссертацияда Сократ ва Платон диалоглари, Рим риторикасининг диалогдан фарқи, файласуфлар И. Кант, ал-Беруний, Ибн Синонинг диалогга оид қарашлари таснифланган. Масалан, қадимги Шарқ фалсафасида кенг тарқалган сўзсиз суҳбатлашиш (сукут сақлаган ҳолатдаги диалог) ахборотни узатиш эмас, балки инсоннинг ўз «Мен»ини шакллантириш биринчи ўринга чиққан. Ғарб фалсафасида эса Худо билан суҳбатлашиш диалог воситасида амалга ошган. Шунинг учун ҳам диалог жараёнида субъектлар ўзаро бир-бирини тушунишга эришиб, ушбу жараёнда ўзларининг яхлит дунёқарашларини яратганлар, уларнинг муайян ижтимоий муносабатлари диалог шаклларида намоён бўлган. Масалан, Сократ диалогда иштирокчилар тенг имкониятга эга. Ҳар бир иштирокчи ўз фикрини билдириш, рақибининг нутқини тинглаш, ҳаттоки ўзини қизиқтирган саволлар билан бир-бирига мурожаат қилиш имконига эга. И.Кант фикрига кўра бундай ҳолатдаги диалогда «устоз ҳам шогирд»<sup>2</sup>га айланади. Риторика йўналишида шаклланган диалогнинг асосчиси Цицерон бўлиб, бунда бир киши гапирган, бошқалар эса уни тинглаган. Фикрлар алмашинуви,

<sup>1</sup> Хосе Ортега и Гассет. Что такое философия? Серия: Мыслители XX века. - Москва: Наука, 1991. - 408 с.

<sup>2</sup> И.Кант. Критика чистого разума. (Философские технологии. Классическая немецкая философия) Пер. с нем. Н.О.Лосского. -Москва: Академический Проект, 2015. - 567 с.

муҳокама юзага келмайдиган бу вазиятда диалог панд - насихат характерига эга бўлган монологга айланган. Шу маънода Сенеканинг ўз шогирди Луцилийга ёзган хатлари монолог тарзидаги ўз-ўзи билан диалогнинг ёрқин ифодасидир. Зеро, Луцилий Сенеканинг ўзидир<sup>1</sup>. Унинг вақтни қадрлашга оид, ўз-ўзини тарбиялаш, мақсадни аниқ белгилаш, ҳаётнинг маъносига оид фикрлари бир томондан ўзаро суҳбат қилаётган икки кишининг диалоги, иккинчи томондан монологни ифодаловчи диалогдир. Бу ғоя муаллиф фикрича Ибн Синонинг «Хай ибн Яқзон ўғли» рисоласида икки кишининг суҳбати кўринишида: «Гоҳо бахт кўлингни тутиб, адашув муҳитидан қутқаради, гоҳо унинг берган хабари сени хайратда қолдиради, гоҳо ёлғон сени алдайди.»<sup>2</sup> деган фикрида давом этади.

Нотиклик санъатига оид қарашларни таҳлил қилар экан муаллиф, Ал-Берунийнинг «Ҳақиқатан нотикликда сеҳрли куч бор»<sup>3</sup> деган фикрига қўшилган ва нотиклик санъатининг бугунги кундаги ижтимоий жараёнларни ташкил этиш воситаси сифатидаги аҳамиятини очиқ берган.

Диссертацияда мактуб диалогнинг бир қисми эканлиги асосланган. Зеро, диалог оғзаки нутқ, эркин сўзлашув, тақлид орқали намоён бўлса, мактубда инсоннинг характери ўз ифодасини топади. Диссертацияда Р.Декарт, К.Лейбниц, Ф.Петрарка фикрлари билан бир қаторда, А.Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романида Отабекнинг Кумушбибига мактублари<sup>4</sup>, шунингдек, ҳозирги кунда аҳолининг интернет тармоқларидаги ёзишмалари ҳам ўрганилган. Муаллиф фикрича, диалог бу фақат икки кишининг суҳбатигина эмас, балки уларнинг ёзма матнларга юкланган самимий муносабати, мухаббатининг ҳам ифодасидир. Бироқ бугунги кундаги интернет тармоқларидаги диалог расмий куруқ хусусият касб қилмоқда, бу эса одамларнинг ўзаро муносабатларида бегоналашув пайдо бўлаётганлигидан далолатдир.

Тадқиқотда диалогнинг эркин, тенг ҳуқуқли ва мажбурий, тенгсизлик, тобелик, зўрлаш шароитида намоён бўладиган турлари ҳам очиқ берилган. Кишиларнинг «юзма - юз» бевосита диалогларининг антиподи сифатида техника воситалари ёрдамида шаклланган аноним оммавий диалоглар намоён бўлади, бунда иштирокчилар ҳатто бир - бирларини танимайдилар ҳам. Диалог бир мартали, тасодифий, шунингдек доимий, кўп марта такрорланадиган бўлиши ҳам мумкин. Умуман, одамларнинг ҳар қандай фаолияти бошқа одамлар билан бевосита ёки билвосита диалогда намоён бўлади.

Диалог мавжудликнинг бир соҳасини – икки хил билишдир. Дастлабки билиш «объектнинг методологик тўлалиги ва кенглиги бўйича бевосита интуицияси», иккинчиси – ҳукм ва тушунчалар орқали мавзуни билиш

<sup>1</sup> Ошеров С. А. Сенека. От Рима к миру, Луцилий Анней Сенека. Нравственные письма к Луцилию. Москв., 1977,324-353; Титаренко И. Н. Философия Луцилия Аннея Сенеки и ее связь с учением Ранней Стой. Ростов на Дону., 2002.

<sup>2</sup> Абу Али ибн Сино. Фалсафий асарлар. Хай ибн Яқзон. www.ziyouz.com kutubxonasi. Б.-1-2

<sup>3</sup> Абу Райхон Беруни. Геодезия. // Материалы по истории прогрессивной общественно – философской мысли в Узбекистане. -Ташкент: ФА, 1976. -203 Б.

<sup>4</sup> Қодирий А. Ўтган кунлар. www.ziyouz.com kutubxonasi. –153 б.

бўлиб, у ҳукмларда ифодаланмайди. Демак, диалогда намоён бўлувчи антиномик якка дуализм «Мен» ва «Сен»да билиш тамойили сифатида амал қилади. «Мен»нинг пайдо бўлиш лаҳзаси фақатгина «Мен-Сен» диалоги пайдо бўлиши жараёнида амалга ошади, буни муаллиф С.Франк асарларининг<sup>1</sup> таҳлили асосида исботлаган.

Диссертацияда диалог жараёнидаги иккита мазмуннинг тўқнашуви М.Бахтин ва С.Франк қарашларининг қиёсий таҳлили орқали асосланган. Агар М.Бахтин таълимотида «бошқа» диалогда янги мазмуннинг туғилиши сифатида амал қилса, С.Франк учун бу ўз-ўзини билиш жараёнидир<sup>2</sup>. Муаллиф фикрича, «мен» ва «сен» «шакллари»да мавжуд воқелик тўла шаклланади. «Мен» ва «сен» муносабати билиш орқали, иккита шаклнинг тўқнашиши, бир-бирига яқинлашиши ва бир-биридан узоқлашиши орқали фаоллашади.

Диссертацияда Ёқубжон Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси» китобининг<sup>3</sup> А.Навоий ижодига мазмун жиҳатдан ўзига хос янги бадий ёндашув эканлиги исботланган. Катта замон мутафаккирлари билан диалогга киришиш, форс шеърятни қаршисида иъжоз<sup>4</sup> мақомидаги туркий назм биносини тиклаган Навоий ижоди йигирманчи асрда М.Бахтин таклиф этган катта замондаги диалог, тиллараро диалог назарияларига тўла мос келади.

Н.А.Шермухамедованинг «фан тилидаги эвристик ва аксиологик, объект ва субъект тилларининг мавжудлиги фикрни ифодалашнинг энг муҳим ва зарур усули»<sup>5</sup> деган қарашларига ижобий баҳо берилган. Дарҳақиқат, фан тилининг мураккаблашиб бориши ундан фойдаланиш учун субъектдан билим ва малакаларни оширишни талаб этади. Агар китобларда, компьютерлар хотирасида сақланаётган билим объект тил бўлса, субъект тил диалог жараёнида шаклланади. Субъектнинг билими баҳо бериш, йўл қўйган хатоларини бартараф этиш имконияти сифатида муҳим аҳамиятга эга. Айнан ўз-ўзи билан диалог шахсни тарбиялайди.

Хуллас, инқилобий ўзгаришлар даврида диалог ўзига хос шаклларда намоён бўлади. Ижтимоий тўқнашувлар сўз ва фикрлар алмашинуви маконида рўй берди ва олимларнинг қарама - қарши фикрлари оқимида диалог орқали муросага келиш зарурияти аён бўлди.

Диссертацияда диалогнинг герменевтик ва синергетик усуллар таъсиридаги ривожини М.Бахтин ва М.Бубер ижодининг таҳлили мисолида тадқиқ этилган. Диалог - бу баён қилинган фикрлар орасидаги муносабатлардир, улар муомала бирлиги сифатида амалга ошади ва тил бирлигидан фарқ қилади. Дарҳақиқат, сўзлар бўлмаган жойда тил ҳам йўқ, диалог ҳам

<sup>1</sup> Франк С.А. Сочинения. Серия: Классическая философская мысль. -Минск: Харвест, 2000. -355 с.

<sup>2</sup> Франк С.А. Сочинения. Серия: Классическая философская мысль. -Минск: Харвест, 2000. -355 с.

<sup>3</sup> Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 168 б.

<sup>4</sup> Аъзам Қозихўжа. Мулоқот мақоми. Адабиётшунослик. № 1-сон 2010 йил. Араб алифбосидаги матнларда иъжоз сўзининг биринчи ҳарфи касралади алиф билан, яъни, «и» билан келади. Бу сўз «Балоғат илми»нинг атамаси бўлгани учун уни «эъжоз»га ўзгартирмасдан «иъжоз» шаклида ёзиш тўғрироқ ҳисобланади. Таниқли адабиётшунос Аъзам Қозихўжа таҳлилига кўра, *иъжоз* сўзи луғатда ожиз қолдириш маъносини билдиради. истилоҳда эса, башарни ожиз қолдирувчи, мўъжиза даражасидаги гапга айтилади.

<sup>5</sup> Шермухамедова Н.А. Фан фалсафаси. - Тошкент: Ношир, 2013. –113 Б.

бўлиши мумкин эмас. Нутқ субъектларининг фикр алмашиши орқали фикрни баён қилиш чегаралари аниқланади. Шу тарзда диалог асосидаги муносабатлар нутқ субъектлари орасидаги муносабатларга айланади ва у нутқли муомала асосида ўрнатилади, муомаласиз диалог бўлиши мумкин эмас. Диалогга инсон ўзи маъно киритади, чунки у савол беради ва савол бериш қобилиятига эга. Савол - бу маълум нарсадан номаълум нарсага қараб ҳаракат қилиш йўли.

Муаллиф фикрича, синергетика субъектлараро муносабатларнинг ўзаро диалогини тақозо этадиган, мураккаб тўрсимон боғланишдаги тафаккур услубидир. Бунда битта фарқ бўлиб, у нутқтаи-назарлардаги фарқларда намоён бўлади. Бу эса Г.Хакен ва И.Пригожин ижодида ҳам намоён бўлади<sup>1</sup>.

Диалогнинг икки томони бўлиб, у ҳам мазмунга қаратилган умуминсоний аҳамиятга ва шахсий фикрнинг маъносига эга.

Муаллиф М.Бубернинг «субъект-субъект» муносабатини диалогдаги интенционал ҳаракат сифатида баҳолаб, унинг таълимотини Э.Гуссерль ва М.Хайдегер қарашларидан фарқини асослаган. Яъни бошқани тушуниб олиш жараёни унга инсон сифатида муносабатда бўлиш имконияти пайдо бўлгандан кейин амалга ошади. Тадқиқотчи М.Бубер қарашларининг зиддиятлигини асослаган ва уларни тушуниш қийин деб баҳолаган, айни пайтда М.Бубер таълимотининг Х.Г.Гадамернинг герменевтик ёндашувига мойиллигини аниқлаган. Зеро, Х.Г.Гадамер ҳам М.Бубер каби «тил бўлса бутун мавжудлик ҳам бўлади» деб ҳисоблайди. Зеро, Х.Г.Гадамер билан М.Бубернинг қарашларидаги бирлик «тил»дир, тил диалогнинг асоси.

Муаллиф фикрича, диалог олиб боришнинг асосий шартларидан бири суҳбат иштирокчилари ўртасида мулоқот қилишга хоҳиш ва эҳтиёжнинг бўлишидир. Унумли суҳбат - бу рақобат эмас, балки ҳамкорликдир. Ҳамкорликдаги эркинлик - мазмунли суҳбатнинг асосий талабидан бири.

Диалог нутқий алоқа воситасининг бирламчи, табиий шакли сифатида оғзаки нутқда кенг тарқалган. Аммо унинг илмий, публицистик ва расмий услуби ҳам мавжуд.

Диалогнинг шаклланиши тарихини ўрганиш асосида муаллиф, диалог – инсон мавжудлигини ифодаловчи хосса, унда билим асосий мезон деб таъриф берган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Илмий билим ва ижтимоий ҳаётни тушунтиришда диалогнинг аҳамияти**» деб номланиб, унда диалогнинг онтологик талқини ва гносеологик жиҳатлари очиб берилган. Онтологик жиҳатдан интенция бу диалогнинг меъёри, мақсадга яқинлашиш учун ўзаро фикр алмашиш шакли. Муаллиф ҳар қандай янги фикр нарсани тушунтиришга, маъносини очиб беришга хизмат қилса шахс тафаккурининг фаоллигини таъминлайди деб ҳисоблайди. Янги фикр гапириш ва эшитиш орқали таълим жараёнида, «таълим олувчи» (эшитувчи) – «таълим берувчи» (гапирувчи) фаолиятида намоён бўлади. Фикр алмашиш савол берилгандан

---

<sup>1</sup> Синергетике – 30 лет. Интервью с профессором Германом Хакеном. // Вопросы философии, 2000, №. 3. С-55.; Пригожин И., Стенгерс И. Порядок из хаоса. -Москва: «Прогресс», 1986. С-391.

сўнг бошланади. Бу жараёнда ҳақиқий диалог учун иштирокчилар мавқеларининг «тенглиги», уларнинг ўзаро фаоллигини таъминлаш омили ҳисобланади.

Диссертацияда сўзловчиларнинг мимика (юз ҳаракати) ва имо ишора каби тилнинг новербал ифодалаш воситалари диалогда намоён бўлиши асосланган. Диалог нутқий мулоқот, нутқий фаолият жараёнидаги ҳамкорликни, монолог эса диалогда мавжуд бўлган нутқ шакли сифатидаги махсус изоҳларни ифодалайди.

Муаллиф фикрича, диалогда оҳанг муҳим аҳамиятга эга. Шу боис, диссертацияда диалог оҳангнинг информатив боғловчи воситаси сифатида таҳлил этилган. Бу жараёнда мазмунли суҳбат маълум шарт ва қоидаларга жавоб бериши керак, улар ёрдамида иштирокчиларнинг ақлий қобилиятлари уйғунлашиб, муҳокама этилаётган масала жамоавий тарзда ҳал қилиниши лозим.

Тадқиқотчи фикрича, нотиклик диалогни ташкил этишнинг муҳим онтологик жиҳати. Сўзлар орқали яхши баён қилинмаган ҳақиқат ўз тингловчисига бориб етмайди ва ўз-ўзидан йўқолиб кетади. Сўз - тафаккур ўйинларини амалга ошириш воситаси, улар тушунчалар орқали вужудга келади. Фикрни тасдиқловчи далилларнинг аҳамиятини диалогнинг яна бир онтологик жиҳати сифатида муаллиф, қатъий, ишончли, фалсафий, индуктив каби далилнинг асосий шакллари ва айни пайтда диалог жараёнидаги эҳтимолий даражадаги янглишишларни асослайди. Янглиш фикрлар икки шаклда кўзга ташланади, у салбий ва ижобий бўлиши мумкин.

